

Центральной Азии: программа «умный город» является частью госпрограммы «Цифровой Казахстан»; в Узбекистане китайские компании рассматриваются в качестве партнеров в разработке таких концепций как «умный город» и «умная махалля» и др.

Литература:

1. Один пояс, один путь. Полный текст речи Си Цзиньпина от 19.05.2017: офиц. текст [Электронный ресурс]. – Режим доступа. <http://inosmi.ru/politic//20170519/239391693.html>

2. Синь и дай жэньгун чжинэн фачжань гуйцэ (План развития искусственного интеллекта в новую эпоху). – Пекин: Жэньминь чубаньшэ, 2017. – С. 185 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН-РАҚАМЛИ КУТУБХОНАЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИДАН

Олимжонов Х.А.

таянч докторант,

Ўзбекистон Миллий университети

Жаҳонда кутубхоналар маънавиятли инсонларни тарбиялашда асосий муассаса бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий онгининг ривожланиши учун жуда кўп вазифаларни бажармоқда. Кутубхоналар бугунга қадар ўтмиш, ҳозир ва келажак ўртасидаги кўприк вазифасини ўтамоқда. Глобаллашув жараёни кутубхоналарга ҳам жуда катта таъсир кўрсатиб, улар аҳолининг маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларини бартараф этишда катта таъсирга эга. Кутубхона ассоциациялари ва муассасалари Халқаро Федерацияси (IFLA) маълумотига кўра, жаҳонда 569 мингдан зиёд кутубхоналар фаолият юритмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш, китоб мутолаасига бўлган қизиқишни уйғотишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилаётган бешта муҳим ташаббуснинг бири – ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, китоб мутолаасига бўлган қизиқишни ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Мазкур масалаларни амалга ошириш учун кутубхоналар тарихини ўрганиш, бу бўйича илмий ҳулосалар, таклифлар ишлаб чиқиш ўта долзарб ва заруратга айланмоқда. Бойси, “Ўзбекистонда амалга оширилаётган эътиборга молик ишлар, хусусан илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини изчил ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шароитида илм ва ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-

қувватлаш, китобхонлик маданиятини ошириш каби вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган”[1, Б. 340.].

Халқаро миқёсда электрон кутубхона тизими тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёда “Google” томонидан яратилган “The Google Books” энг йирик электрон кутубхона саналади. Бир миллиард ўттиз миллиондан ортиқ китоб рақамлаштирилган бўлиб, улар 480 тилга таржима қилинган. Бу рақамлар дунё бўйича ёзилган китобларнинг 20 фоизи рақамлаштирилганидан ва уларнинг барчаси электрон кутубхонага жойлаштирилганидан далолат беради.

Мамлакатимизда ҳам электрон кутубхона иши ва электрон китоб айланиш тизимига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Миллий кутубхонанинг 2022 йил I ярим йиллик ҳисоботида кўра умумий фонди жами 7652438 та бўлиб, шундан босма нашрлар 6900365 тани, электрон ресурслар сони эса 752073 тани ташкил этаётганлиги маълум бўлмоқда[2, Б. 24].

Ўзбекистондаги энг йирик Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташкил қилинганига 150 йилдан ошди. Кутубхона 1870 йил 21 майда ташкил қилинган. Кўп йиллар давомида Ўрта Осиё тарихи бўйича қўлёзмалар, китоблар ва даврий матбуот нашрлари каби манбаларни сақлаб келмоқда[3, Б. 4–7.].

Кутубхона тарихидаги унутилмас воқеалардан бири 2002 йил 20 февралда рўй берди, яъни шу куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш туғрисидаги Фармон ва 2002 йил 12 апрелда “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш туғрисида”ги қарор қабул қилинган. Бунга мувофиқ кутубхона миллий ва хорижий адабиётларнинг асосий давлат хазинаси, кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот. методик ишларни олиб боровчи ва мувофиқлаштирувчи илмий марказ этиб белгиланган. Шу қарорда республикада чиқаётган ҳамма босма нашрлар, аудио ва мултивидео материаллар икки нусхада бепул кутубхонага берилиши кўзда тутилганлиги фондларининг мунтазам равишда тўлдирилишига хизмат қилган. Эндиликда нафақат босма нашрлардан, балки электрон ресурслардан фойдаланиш ҳам йўлга қуйилган[4, Б. 320-323.].

Мамлакатимизда электрон кутубхоналарнинг жорий қилиниши, ахборот-кутубхона ишига рақамли технологияларнинг интеграциялашуви жараёни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 августдаги ПҚ-952-сонли “Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этиш чора-тадбирлари туғрисида” қарорига мувофиқ амалг оширилган. Мазкур қарорга асосан Корея Республикаси Ҳукумати томонидан 2008-2009 йиллар мобайнида илмий-техника адабиётлари

электрон кутубхонасини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига жами 2 млн. АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари ажратилган[5].

Грант маблағлари доирасида олиб келинадиган ускуналар ва материаллар, шунингдек кўрсатиладиган техник ёрдамида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Тошкент шаҳар “Билим” ахборот-кутубхона маркази ташкил этилган. Марказ томонидан кутубхонанинг имкониятлари кенгайрилиб борилган. Хусусан, китобхонларга тақдим этиш қийин бўлган ёки чекланган ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишни кўлами кенгайтирилиб, катта ҳажмли ахборот билан ишлашда фойдаланувчиларга шарт-шароитлар яратилган, хизмат кўрсатишнинг сифати ва тезкорлиги оширилган. Фойдаланувчиларга электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларини тақдим этиш ҳисобига ахборот-кутубхона муассасалари хизматлари рўйхати кенгайтирилган ва кутубхона технологиялари модернизация қилинган. Электрон кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларини жаҳон ахборот маконига интеграциялашуви тезлаштирилган, электрон ахборот-кутубхона ресурсларини узоқ муддат бешикаст сақлаш ва келажак авлодларга етказиб бериш имконияти вужудга келган [11].

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 июлда 198-сон “Электрон кутубхона тўғрисидаги намунавий низомни ҳамда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ва кутубхоналарда тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш режа-жадвалини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Унда Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ҳамда кутубхоналарда тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш, йиғма электрон каталог республика маркази, йиғма электрон каталог секторлари ва ахборот-кутубхона ресурсларини рақамлаш секторлари (электрон шаклга ўтказиш), ахборот-кутубхона муассасаларининг тўлиқ матнли маълумотлар базаларини йиғма электрон каталогга бириктириш, йиғма электрон каталог республика маркази ва ахборот-кутубхона марказлари (АКМ)нинг йиғма электрон каталог секторларини жиҳозлаш учун компьютер ва тармоқ асбоб-ускуналари сотиб олиш, йиғма электрон каталогни шакллантириш ва электрон библиографик ёзувларнинг ягона базасини яратиш, йиғма электрон каталог республика маркази ва ахборот-кутубхона марказининг йиғма электрон каталог секторлари мутахассисларини тайёрлаш ва уларни йиғма электрон каталогни шакллантириш ишига ўқитиш каби вазифалар устувор қилиб белгиланди[6].

Республика йиғма электрон каталог маркази Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ўз Низомига мувофиқ Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида фаолият олиб бормоқда. Республика йиғма электрон каталог маркази, ахборот-кутубхона муассасалари ўртасида ўзаро

ҳамкорликда, аъзолик тўғрисидаги битимга ва хизмат кўрсатиш учун икки томонлама тузилган шартномалар асосида фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида” Қонунининг 3-моддасида “Йиғма электрон каталог-ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон каталоглари мажмуи” деб таъриф берилган[7].

Республика йиғма электрон каталог маркази қуйдаги: Республика ҳудудидаги барча ахборот-кутубхона муассасаларида яратилаётган библиографик ёзувларни йиғиш ва Ўзбекистон Республикасининг йиғма электрон каталог базасини шакллантириш, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва бошқа ахборот-кутубхона муассасаларидан келиб тушадиган электрон библиографик ёзувларни таҳрир қилиш, электрон библиографик ёзувларни алмашишда, хорижнинг етакчи кутубхоналарининг электрон каталоглари билан ҳамкорликда ишлар олиб бориш, йиғилган библиографик ёзувларни стандартлар асосида яратилишини таъминлаш вазифаларни бажариб келмоқда[8].

Халқимизнинг илмий, тарихий, маданий ва маърифий меросини авайлаб асраш, унинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссасини янада кенгроқ намоёни этиш, аجدодларимиз яратган бетакорор асарлар, қўлёзмалар ҳамда ноёб нашрлар келажак авлодга етказиш, уларни авайлаб асраш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 9 августда “Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар сақланишини таъминлаш, уларнинг фондини тизимли кўпайтириш ва бойитиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 202-сон қарорини қабул қилиниши бошланган ишларни давлат миқёсида ташкил этиш имконини яратди [10].

Қарорда ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар фондларида сақланиб келинаётган қадимги қўлёзма ва ноёб китобларни электрон форматга ўтказиш, шунингдек, аҳоли қўлида сақланаётган кўпдан-кўп эски қўлёзмалар, қадимги ва нодир китобларни сотиб олиш, манбаларни замонавий технологияларни қўллаган ҳолда реставрация қилиш, тизимли кўпайтириш ишлари устувор вазифа сифатида уларни амалга оширилиши юзасидан Дастурларни қабул қилиниши муҳим ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни самарали ташкил қилиш мақсадида, ҳозирда давлат кутубхоналари, музейлар, архив ташкилотларида сақланиб келинаётган қадимги қўлёзмалар, нодир китобларнинг электрон каталогини тузиш шунингдек, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мавжуд бўлган нодир китоблар фондининг электрон каталоги билан қиёслаб, йўқ китобларни аниқлаш ҳамда Миллий йиғма электрон каталоги асосида мазкур нашрларнинг тўлиқ матнли электрон маълумотлар базасини яратиш ишлари олиб борилмоқда[9].

Хулоса қилиб айтганда вилоят ва шаҳар марказларида кутубхоналар, электрон кутубхоналар, китоб дўконлари ҳамда ярмаркаларини ташкил этиш, замонавий “Book safe”лар, шахсий ва рақамли (виртуал)

кутубхоналар тармоғини йўлга қўйиш ва олий таълим муассасаларида “Ақлли кутубхона” лойиҳаси устида илмий-тадқиқот ишларини янада кенгайтириш, аждоларимиз томонидан яратилган, аммо йўқолиб бораётган ёхуд чет эл кутубхоналарида сақланаётган асарларни қидириб топиш, библиографиясини тузиш ва улар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда мазкур китобларни ўрганиш натижаларини босма ҳолда нашр этиш, электрон ва мобил версияларини яратиш, олий таълим муассасаларида кутубхонашунослик соҳасида ИТ-дастурчи йўналишида малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътиб борилмоқда.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент, 2019. – Б. 340.
2. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2022-йил I ярим йиллик фаолияти бўйича ҳисоботи. – 24 бет. <https://uznel.natlib.uz>.
3. Умаров А. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – тарих саҳифалари ва замонавий тараққиёт // Kutubxona.uz. – 2009. – № 1. – Б. 4-7.
4. Умаров А. Миллий кутубхона фаолияти ва мутолаа маданияти // Фан, таълим, маданият ва бизнесда Интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари: XIV халқаро конференция Central Asia–2021. – Тошкент, 2021. – Б. 320–323.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 августдаги “Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-952-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/1386332>.
6. Рўзиева Ф. Ягона йиғма электрон каталог яратиш муаммолари // Kutubxona.uz. – 2014. – № 4. – Б. 41–43.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонуни. 2011 йил 4 март.
8. Республика йиғма электрон каталог (РЙЭКМ) Маркази Низоми. – Тошкент, 2021. – 6 бет.
9. Балтабаева, М. Ўзбек адабиёти классикларининг электрон ўқув залини яратиш масалалари // Kutubxona.uz – 2014. – № 1. – Б. 38–40.
10. Muminov, Aʼshirbek. "Fonds nationaux et collections privées de manuscrits en écriture arabe de l'Ouzbékistan." *Cahiers d'Asie centrale* 7 (1999): 17-38.
11. Ишанходжаева, З. Р. "Узбекистан в освоении Нечернозёмной зоны России (1975-1985 гг.)." *Ученые записки Новгородского государственного университета* 3 (21) (2019): 7.